

---

## Профилактика инспекторларига компьютер жамланмалари топширилди

Ички ишлар органлари ходимларига муносиб хизмат шароитларини яратиб бериш, тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, меҳнатга яраша рағбат ва бошқа шу каби бир қатор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Марғилон шаҳрида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан бугун шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида жиноятларни жиловлашда бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлган, хизматда юқори натижаларга эришган профилактика инспекторларига хизматда фойдаланишлари учун замонавий компьютер жамланмалари шаҳар ҳокими А.Зиявитдинов ҳамда шаҳар ИИБ бошлиғи А.Ашуровлар иштирокида тантанали топширилди.

2023-04-27 10:53:12